

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

303 Республика уй-жой фондининг кўп квартирали уйларида лифт асбоб-ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Аҳолининг кўп квартирали уйларда яшаши учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш, авария ҳолатларининг олдини олиш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган 2010-2011 йилларда республика шаҳарларидаги ҳамда 2010 — 2014 йилларда Тошкент шаҳридаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастури 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши юзасидан шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек уй-жой фонди сақланиши мониторингини олиб бориш комиссиялари раҳбарлари зиммасига юклансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурини амалга ошириш харажатларини молиялаштириш тенг улушларда:

маҳаллий бюджет параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг йил бошидаги бўш қолдиқлари ҳамда прогнозлардан ортиқча тушумлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

2010 йилда Республика шаҳарларидаги кўп квартирали уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурини амалга ошириш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг прогнозлардан ортиқча тушумлари ҳисобига молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2011 — 2014 йиллар учун

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар асосида Республика шаҳарларидаги кўп квартиралли уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши учун зарур бўлган маблағларни назарда тутсин.

4. Қуйидагилар:

кўп квартиралли уйларда лифтларни таъмирлаш ва янгилаш бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси буюртмачи этиб;

«Самарқанд лифтсозлик заводи» ОАЖ — белгиланган тартибда декларация қилинган нархлар бўйича — лифтлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар етказиб берувчи этиб;

лифтларни монтаж қилиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар танлов асосида — пудратчи этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси пудратчи томонидан лифтларни алмаштириш ва таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг қабул қилиниши учун жавоб берадилар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларнинг уюшмалари билан биргаликда бир ой муддатда кўп квартиралли уйлардаги лифтларни тўлиқ хатловдан ўтказсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

кўп квартиралли уйлардаги лифтларни хатловдан ўтказиш натижаларига кўра ҳар йили, 2010-2011 йилларда республика шаҳарларида ва 2010 — 2014 йилларда Тошкент шаҳрида лифтларнинг техник ҳолати тўғрисида носозлик далолатномаларини тузсинлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда лифтларни янгилаш ва таъмирлашнинг аниқ дастурларини белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ҳар йили лифтларни таъмирлаш-тиклаш ишларининг чекланган қийматини белгиласинлар;

ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан кўп квартиралли уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишларни назорат қилсинлар;

ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Республика шаҳарларидаги кўп квартиралли уйларда лифтларни янгилаш ва таъмирлаш дастурининг бажарилиши тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

6. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2010 йил 1 октябргача лифтларга зарур тарзда хизмат кўрсатиш ва уларни сақлаш ҳамда улардан хавфсиз фойдаланишни ташкил этиш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин;

текширишлар режасини олдиндан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишмасдан кўп квартиралли уйларда ўрнатилган лифтларнинг техник ҳолатини тизимли асосда назорат қилсин;

лифтлардан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уларнинг уюшмалари иштирокида семинар ўтказилишини ташкил этсин;

манфаатдор ташкилотларга ушбу ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобига лифтларга хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш бўйича курслар ўтказилишида кўмаклашсин.

7. «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йил 1 ноябргача бўлган муддатда Лифтларни ўрнатиш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 29 август,
191-сон